
ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Хусанова Хайринисо Тайиrowна
Ўзбекистон Миллий университети доценти, соц.ф.н.
e-mail:husanova14@mail.ru

ЎРТА ЁШЛИ АҲОЛИ ҚАТЛАМИНИ ИЛМИЙ ЎРГАНИШДА ФАНЛАРАРО
ЁНДАШУВ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2019-6-4>

АННОТАЦИЯ

Мақолада замонавий жамиятда ёш кўрсаткичи бўйича аҳоли қатламларини ижтимоий мезонлар асосида тақсимлашнинг методологик масалалари ўрганилган. Аҳолининг турли ёш категорияларининг психофизиологик, социомаданий ўзига хосхусусиятлари таҳлил қилинган.

Ўрта ёшли инсоннинг социал образини ҳосил қилувчи омиллар очиб берилган. Бу борада илгари сурилган фикрлар сўнгги йилларда ўтказилган қатор эмпирик тадқиқотларнинг натижалари ва халқаро ташкилотларнинг расмий статистик маълумотлари билан далилланган. Ўрта ёшга хос бўлган психофизиологик ва социомаданий хусусиятларга аниқлик киритишда эмпирик исботланган илмий хулосалар берилган ва айнан шу ёш кўп жиҳатдан инсон ҳаётининг энг яхши даври, яъни, "prime time" эканлигини ўрнатилган.

Мақолада, ўрта ёшли аҳоли қатлами замонавий жамиятларда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт фаровонлиги ва барқарорлигини таъминловчи марказий қатлам сифатидаталқин қилинган.

Таянч сўзлар: ҳаёт цикли, ёш кўрсаткичлари, ёш бўйича даврийлаштириш, ёш страталари, ўрта ёш, "prime time", психофизиологик ва социомаданий хусусиятлар, икки карра масъулият, ўрта ёш кризиси, ақлий ва жисмоний салоҳият, ижтимоий мувозанат.

Хусанова Хайринисо Тайиrowна
к.соц.н., доцент Национального Университета Узбекистана
e-mail: husanova14@mail.ru

МЕЖДИСЦИПЛИНАРНЫЙ ПОДХОД В ИССЛЕДОВАНИИ ЛЮДЕЙ
СРЕДНЕГО ВОЗРАСТА

АННОТАЦИЯ

В статье изучены методологические вопросы распределения слоев населения по возрастным показателям в современном обществе на основе социальных критериев. Проанализированы психофизиологические, социокультурные особенности различных возрастных категорий населения.

Раскрываются факторы, формирующие социальный образ человека среднего возраста. Выдвинутые в этом отношении мнения были подтверждены результатами ряда эмпирических исследований последних лет и официальными статистическими данными международных организаций. При уточнении психофизиологических и социокультурных особенностей, присущих среднему возрасту, даются эмпирически доказанные научные выводы и устанавливается, что именно этот возраст во многом является лучшим периодом жизни человека, то есть "прайм-тайм".

В статье подчеркивается, что средний возраст населения характеризуется качеством центрального слоя, обеспечивающим социально-экономическое благосостояние и стабильность жизни в современных обществах.

Ключевые слова: жизненный цикл, индикаторы возраста, возрастная периодизация, возрастная страта, средний возраст, "prime time", психофизиологические и социокультурные особенности, двойная ответственность, кризис среднего возраста, интеллектуальный и физический потенциал, общественное равновесие.

Husanova Hayriniso Tayirovna

PhD., associate Professor National University of Uzbekistan
e-mail: husanova14@mail.ru

INTERDISCIPLINARY APPROACH IN THE STUDY OF MIDDLE-AGED PEOPLE

ANNOTATION

The article examines the methodological issues of stratification of the population based on social criteria. Also analyzed the psychophysiological and socio-cultural characteristics of different age categories of the population.

Factors forming the social portrait of middle-aged people are revealed. Advanced opinions on these issues are justified by the results of empirically sound scientific conclusions regarding the psychophysiological and socio-cultural characteristics of middle aged people. It is established that this age "prime time" is the longest period of a person's life.

The article analyzes the features of middle-aged people as the main layer of the population in ensuring social and economic well-being and stability of modern society.

Keywords: life cycle, indicators of age, age periodization, age strata, middle-age, "prime time", psychophysiological and socio-cultural features, double responsibility, midlife crisis, intellectual and physical potential, social equilibrium.

Инсоннинг ҳаёт цикли - индивид ривожланишининг психофизиологик ва ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқиб, турли даврларга тақсимланишидир. Бу, албатта, шартли тушунча бўлиб, у нисбий характерга эга. Зеро, ҳаёт цикли ёш кўрсаткичлари билан чамбарчас ҳолда кечади. Ўз ўрнида, инсоннинг ёш кўрсаткичи икки мезон асосида белгиланади. Булар, мутлақ миқдорий ёки календарь ёш ва психофизиологик ёки биологик ёш саналади.

Ёш кўрсаткичи бўйича аҳоли қатламлари тегишли жамиятда ўрнатилган ижтимоий мезонлар асосида даврлаштирилади. Натижада, аҳолининг ёш стратификацияси ҳосил бўлади. Стратификациянинг мазкур шакли аҳолини ёш категорияларига тақсимлаб ташлайди. Ўз ўрнида, аҳолининг турли ёш категориялари ўзига хос психофизиологик, социомаданий хусусиятларнинг ташувчиси саналади.

Инсоннинг ҳаёт циклини ёш кўрсаткичи бўйича даврийлаштириш вақт мезонлари бўйича ўзгарувчан хусусиятга эга. Ёш категориялари мазмунини англашда даврийлаштириш мезонларининг яхлит тизими муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тизим компонентларидан бири, индивидуал ривожланиш (онтогенез) бўлиб, "ривожланиш босқичлари" сифатида кишининг ёшга хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тақсимланади. Шунингдек, жамиятдаги социал жараёнлар ва социал тузилма ёш бўйича даврийлаштириш элементи сифатида "ёш страталари", "ёш гуруҳлари", "авлод" каби ўлчов бирликларини шакллантиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, илмий истеъмолда кенг қўлланиладиган "ўртача ёш" ва "ўрта ёшлилар" тушунчаси икки хил мазмунда қўлланилади.

Аҳолининг ўртача ёши тегишли давлат аҳолисининг умр давомийлиги билан боғлиқ тушунча бўлиб, умр давомийлигининг ошиб бориши ўртача ёшнинг узайишига сабаб бўлади. "Ўрта ёшлилар" эса ёш стратификацияси бўйича аҳоли қатламларидан бирига нисбатан қўлланилади. Бу икки тушунча алоҳида мазмун касб этса-да, бир-бири билан узвий боғлиқ. Яъни, аҳоли умр давомийлиги бу икки категорияни белгилловчи омиллардан бири ҳисобланади. Умр давомийлиги эса табиийки, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий омиллар уйғунлигида таъминланади.

Сайёрамиз аҳолисининг ўртача ёши 28 ёшни ташкил этмоқда. Ўртача ёш кўрсаткичи бўйича Япония илдам бўлиб, ушбу давлат аҳолисининг ўртача ёши 44 ёшни ташкил этса, энг паст кўрсаткич Нигерияда, яъни, бу давлат аҳолисининг ўртача ёши бугунги кунда 15 ёшни ташкил этмоқда. Аммо, БМТнинг илмий тадқиқотларига мувофиқ, 2050 йилга келиб, ўрта ёш 10 ёшга кўтарилиши ва 38 ёшни ташкил этиши кутилмоқда. 2045 йилга келиб, 60 ёшли кишилар сони 14 ёшли ўсмирлардан кўпчиликни ташкил этиши башоратланмоқда. Бундай тенденциялар нафақат ривожланган, ҳатто ривожланаётган давлатларда кузатилиши мумкин. Ривожланаётган давлатларда умр давомийлигини ўсиб бориши ва туғилишнинг назорат остига олиниши сўнгги 100 йилликда, яъни 1950 йилдан 2050 йилгача етук ёшдаги аҳоли қатлами аҳолининг умумий улушининг 8% дан 22% га кўтарилиши кутилмоқда. 2000 йилда катта ёшли аҳоли сони 600 млн. бўлган бўлса, (1950 йилга нисбатан 3 карра юқори) ҳозирги кунда 737 млн. ни ташкил этмоқда [1, б. 2].

Аҳоли қатламларини ёш категориялари бўйича даврийлаштиришнинг яна бир компоненти жамиятнинг социомаданий ҳолати билан изоҳланади. Бунда ёшга доир ўзгаришлар ва хусусиятлар социал-иқтисодий ва этник гуруҳлар томонидан қай тарзда қабул қилиниши орқали "ёш стереотиплари" ва "ёш урф-одатлари" шаклланади.

Бугунги кунда илм-фан оламида инсоннинг ҳаёт циклини ёш бўйича даврийлаштиришда қатор ишланмалари мавжуд. Аммо, ёш чегараларини ўрнатиш мезонлари, омиллари ва тамойилларини қатъий ўрнатилишида фанлараро яхлит тўхтамга келинмаган.

Хусусан, психологияда ёш даврларидан болалик ва ўсмирлик босқичи етуклик даврига нисбатан кенг ўрганилган. Айнан, болалик ва ўсмирлик даври ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, ёш чегараларини ўрнатилишида А.Гезеллнинг кўп йиллик лонгитюд тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади. Л.С.Выготскийда эса туғилган пайтдан бошлаб, то 17 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ривожланишдаги кризислар орқали даврийлаштирилади [2, б.15]. Д.Б.Эльконин томонидан ишлаб чиқилган руҳий ривожланиш концепциясида эса 15 ёшгача бўлган давр турли қисмларга тақсимланиб ўрганилган [3, б.4-9].

Ушбу илмий ёндашувлардан фарқли равишда Э.Эриксон инсоннинг психосоциал ривожланиш босқичларини 8 фазага ажратиб кўрсатади. Бунда, у нафақат болалик ва ўсмирлик даври билан чекланмай, балки, индивиднинг туғилгандан тортиб то умирининг охиригача бўлган ҳаётнинг циклини яхлит тарзда қамраб олади. Унинг фикрича, инсоннинг ёш даврлари қуйидагича тақсимланади:

- гўдаклик (туғилгандан 1 ёшгача);
- илк болалик (1-3 ёш);
- мактабгача, ўйинқароқ давр (4-7 ёш);

- мактаб даври (1-12 ёш);
- ўсмирлик (13-19 ёш);
- ёшлик (19-35 ёш) - етуклик даврининг бошланиши, оилавий ҳаётнинг илк йиллари;

- катта ёш (35-60 ёш) - индивид ҳаётининг маълум машғулоти тури билан чамбарчас боғлиқ даври, фарзандларнинг улғайиши;
- кексалик (60 ёшдан кейин) [4, б.6-22].

Демак, илмий изланишларимизнинг объекти саналган ўрта ёшли аҳоли қатламининг даврий чегараси Э.Эриксон бўйича 35-60 ёшни ташкил қилади.

Педагогика фани вакиллари томонидан ўрта ёшли аҳолининг даврий чегараси жинсий кесимда қуйидагича туркумланган:

- ўрта ёшнинг биринчи даври: эркакларда - 22 ёшдан 35 ёшгача, аёлларда - 21 ёшдан 35 ёшгача;

- ўрта ёшнинг иккинчи даври: эркакларда - 36 ёшдан 60 ёшгача, аёлларда 36 ёшдан 55 ёшгача [5, б.45].

Ушбу даврийлаштиришга мувофиқ 61 ёшдан ошганлар қариллик даврига ўтган саналади.

Тиббиётда ёш давлари инсон организми ривожланишининг анатомик ва физиологик хусусиятларига мувофиқ тақсимланади. Бунда, етуклик даври ёш кўрсаткичлари қуйидагича тақсимланади;

- ўсмирлик даври -16-20 ёш (қизларда), 17-21 ёш (йигитларда).

- етуклик даврининг 1-босқичи (ёшлик) - 20-35 ёш (аёллар), 21-35 ёш (эркаклар).

- етуклик даврининг 2-босқичи - 35-55 ёш(аёллар), 35-60 ёш (эркаклар).

- қариялар - 55/60 ёшдан юқори [6, б.154].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсоннинг ҳаёт циклини даврлаштириш борасида юқорида қайд этилган илмий тадқиқотлар XX аср воқелигидан келиб чиқиб, амалга оширилган. Аммо, XXI аср бу борада ўз талабларини илгари сурди. Дунё миқёсида сўнгги ўн йилликда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ўрта ёшли аҳолини даврийлаштиришда янги тенденцияларни илгари сурди. Хусусан, дунё аҳолисининг ёшариб бораётганлиги қайд этилди. Натижада, Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти ёш чегараларини белгиланишини қайта кўриб чиқди ва расман қуйидагича ўрнатди:

- Ёшлик даври - 25-44 ёш;

- Ўрта ёш - 44-60 ёш;

- Қариялар - 60 ёшдан ошганлар [7, б.1].

Ушбу даврийлаштиришдан яққол кўриниб турибдики, ўрта ёшнинг бошланғич нуқтаси деярли 10 ёш орқага сурилди. Олдин 35-40 ёшли киши ўрта ёшли саналган ва ёши катталар қаторига қўшилган бўлса, эндиликда 44 ёшли инсон ёшлик даврининг юқори нуқтасига чиқиб, ўрта ёшга қадам қўйиш арафасида турмоқда. Ўртача 40 ёшли аҳолига нисбатан ёш чегараларини қайта кўриб чиқишга сабаб бўлган омиллар қуйидагилар бўлди:

- умр давомийлигининг ошиб бораётганлиги;

- инсоннинг психфизиологик ҳолатини яхшиланиб ташқи кўришининг ёшариши;

- 40 ёшдан ошган кишиларда жисмоний ва интеллектуал салоҳият чўққисига чиқиб, жадал меҳнат фаолиятини юритаётганлиги;

- авлодлар давомийлигини таъминлаш қобилиятининг узоқ йиллар давомида сақланиб қолаётганлиги.

Инсоният эволюцияси бугунги кунда ўз тараққиётининг шундай даражасига етдики, эндиликда, нафақат аҳоли сонининг миқдорий ўсиши, балки, ривожланган интеллект, ҳаётий тажриба ҳамда мукамал ташқи кўриниш қадриятга айланди. Натижада, биологик қариш жараёнининг секинлашиши кузатилмоқда.

Хўш ўрта ёшли инсоннинг социал образини ҳосил қилувчи омиллар нималардан иборат? Бу борада, сўнгги йилларда ўтказилган қатор эмпирик тадқиқотлар аниқ далилларни беради. Хусусан, Финляндияда Леа Пулккинен томонидан "Болаликдан етуклик сари" мавзусида ўтказилган логитюд тадқиқотда 8 ёшли болалар 50 ёшга етгунга қадар кузатилди. Ушбу когортали тадқиқот ўрта ёшга хос бўлган хусусиятларга аниқлик киритишда эмпирик исботланган илмий хулосаларни берди ва айнан шу ёш кўп жиҳатдан инсон ҳаётининг энг яхши даври, яъни, "prime time" эканлигини ўрнатди [8,б.1].

Хусусан, Леа Пулккиненнинг таъкидлашича, ўрта ёшнинг даврий чегараларини ўрнатилиши принципиал аҳамият касб этмайди. Ушбу ёш даври турли омиллар таъсирида шартли равишда белгиланади. Ўрта ёшли инсон зиммасидаги социал масъулият оила ва фарзандларга гамхўрлик қилиш, қатъий фуқаролик позицияси, барқарор меҳнат фаолияти, моддий-маънавий фаровонлик даражаси, инсоний муносабатларнинг изга туширилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотда иштирок этган биолог олим Маркус Рантала фикрича, биологик нуқтаи назардан аёлларда ўрта ёш шартли равишда тушунчаси репродуктив функция, яъни, фарзандни дунёга келтириш қобилиятининг давомийлиги билан изоҳланади. Эркакларда эса 30 ёшдан кейин гормонал жараёнларнинг секинлашиши билан бошланади [8, б.1]. Хуллас, биологик нуқтаи назардан ўрта ёш тушунчаси авлод давомийлигини таъминланишига хизмат қилувчи табиий-физиологик хусусиятлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда соф индивидуал аҳамият касб этади.

Мазкур тадқиқотда "ўрта ёш кризиси" атамаси танқид остига олинади. Хусусан, бу даврда аёлларнинг жисмоний ва ақлий фаоллигининг тушиб кетиши, оила ва касбий ҳаётнинг икки карра залвори остида, улар меҳнатининг самарасиз бўлиб қолиши ҳақидаги стереотипларга зид натижалар олинди. Тадқиқотдан олинган хулосаларга мувофиқ, "ўрта ёшда кишилар ўз ҳаётидан етарлича қониқиш ҳосил қиладилар. 50 ёшга яқинлашган кишилар ҳаётида ортга кетиш кузатилмайди. Аксинча, аёллар ва эркакларда социал фаровонлик ортиб боради" [8, б.2].

Ўрта ёшли кишиларнинг ҳаётдан қониқиш ҳиссини ўрганган трендли тадқиқотлардан бири Буюк Британиянинг Миллий статистик хизмати (Office for National Statistics, ONS) томонидан ўтказилди. 2012-2015 йилларда ўтказилган ушбу тадқиқотда катта ёшдаги 300 минг респондент иштирок этди. Тадқиқотда респондентлардан ўз ҳаётидан нечоғлиқ қониқиши, бахт туйғуси ва хавотирланиш даражасини баҳолаш сўралди. Финляндияда ўтказилган тадқиқот хулосаларига зид равишда, ушбу тадқиқот 35 ёшдан ошган респондентларда ҳаётдан қониқиш ҳисси тушиб кетиши ва фақатгина 60 ёшдан ошгач, бу борада кўтаринки кайфият кузатилиши ўрнатилди. Айниқса, 40-59 ёшли респондентлар гуруҳида ҳаётдан қониқмаслик ҳисси бошқаларга нисбатан баланд бўлиб, ушбу ҳолат 50-54 ёшда ўзининг чўққисига чиқиши кўрсатилди. Тадқиқотдан маълум бўлишича, уларнинг

85% молиявий муаммолар боис руҳий ҳолатининг ёмонлашганини билдирган. Ўз ҳаётдан чуқур қониқиш ҳисси кузатилган гуруҳ 70-74 ёшли респондентлар бўлди. Тадқиқот хулосаларига мувофиқ, ҳатто 90 ёшли респондентлар ўрта ёшли респондентларга нисбатан бахтли эканликлари аниқланди [9, б.1].

Тадқиқотда ушбу ёшга хос зиддиятлар ва ҳаётдан қониқмаслик ҳиссининг бош омили сифатида улар зиммасидаги "икки карра масъулият" - яъни, ўсиб келаётган фарзандлар ҳамда қариб бораётган ота-онаси борасида қайғуриш эканлиги аниқланди. Анъанавий фикрларга мувофиқ, айнан шу ёшда кишилар, жамиятда ўрнатилган меъёрларга мос ҳолда шахсий ва касбий ҳаётида барқарорликни таъминлаб, карьерасининг чўққисига чиққан бўлиши шарт. Бунда нафақат ижобий ютуқларга эришиш, балки, шахсий ҳаётининг оғир синовларига бардош бериши, касбий ҳаётида эса меҳнат бозоридаги беқарорликни бошидан кечиришига тўғри келади.

Ўзбекистонда 2018 йил 1 октябрь ҳолати бўйича доимий аҳоли сони 33 млн. 85 мингдан ошди. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткич 428 минг 500 кишига 1,3% га ўсиши кузатилмоқда [10]. Ўзбекистонда ўрта ёшли аҳоли қатлами даврий чегараларини белгилашда меъерий асослар яхлит шаклга туширилмаган. Шундай бўлсада, шартли равишда ушбу ёш категориясига мансуб кишилар қатламига аниқлик киритиш мумкин. Бунда, биз асос сифатида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тарзда ёшлар социал-демографик гуруҳи ёш чегарасининг юқори нуқтаси ва пенсияга чиқиш ёшини олишни таклиф этамиз. Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" Қонунининг 1-боб, 3-моддасида: "ёшлар (ёш фуқаролар) - ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар", деб аниқ белгиланган [11, б.1]. Демак, ёшликнинг юқори нуқтаси бўлган 30 ёш - мамлакатимиз аҳолисининг ўрта ёшга ўтишнинг қуйи чегараси сифатида олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 4-боб, 17-моддасига мувофиқ 18 ёшдан бошлаб инсон ҳуқуқий муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатида бегиланган [12, б.5]. Социал етукликка эришиш даври саналаган 30 ёш эса ёшликнинг қуйи нуқтаси сифатида қабул қилинади. Шу боис, ушбу қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўрта ёшли аҳоли 30 ёшдан бошлаб кўрсатилиши тан олинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўрта ёшлилар аҳолининг кўп сонли ва энг фаол қисми саналади. Улар меҳнат жараёнидаги фаоллик, ишчанлик лаёқатининг баландлиги ва динамик социал ҳулқ-автор соҳиби сифатида интеллектуал соҳа ва ишлаб чиқаришдаги асосий қатламни ҳосил қилади.

Илмий адабиётларда ўрта ёшлилар ўзига хос ижтимоий-профессионал қатлам бўлиб, айнаи дамда меҳнат фаолияти ва ижтимоий функцияларни ташувчилар сифатида ажралиб туради [13, б.166].

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунининг 2-боб, 7-моддасида ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи эркаклар учун - 60 ёшга тўлганда, аёллар учун - 55 ёшга тўлганда қилиб белгиланди [14, б.3]. Демак, ўрта ёшга мансубликнинг юқори нуқтаси сифатида 55 (аёллар учун) - 60 (эркаклар учун) ёшни олиш мақсадга мувофиқ. Бундай даврлаштиришда, биринчи мезон, аввало, қайд этилган қонунчилик ҳужжатлари саналади. Иккинчидан, геронтолог олим Марья Юлха кўрсатишича, инсон умрини даврийлаштиришда ёш кўрсаткичи билан чамбарчас боғлиқ ягона устун бу - бу

пенсия ёшидир [8, б.4]. Айнан шу ёшга қадам қўйган киши кексалик ҳақида жиддий мулоҳазаларга берилади.

Фикримизча, ўрта ёшга мансубликнинг қуйи нуқтаси халқаро мезонлардан анча фарқланиши боис, ёшлик даврининг юқори нуқтасини 30 ёшдан 34 ёшгача узайтириш ва мос равишда ўрта ёшлиларнинг қуйи даврини 35 ёш сифатида белгилашни ўринли, деб биламиз. Зеро, сўнгги эмпирик тадқиқотлар бугунги кундаги 30 ёшлиларни ўрта ёшлилар сафига қўшмайди ва ўрганилаётган ёш даврига хос хусусиятлар ўртача 40 ёшда шаклланишини кўрсатади [8, б.4]. Биз мазкур муаммо борасида олиб борган изланишларимиздан келиб чиқиб, мамлакатимизда ўрта ёшли аҳолининг ёш чегараларини шартли равишда 35-55 (аёллар) / 60 (эркаклар) ёш сифатида белгилашни таклиф этамиз.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ўрта ёшли аҳоли улкан ақлий ва жисмоний салоҳият эгаси сифатида замонавий жамиятларда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг фаровонлиги ва барқарорлигини таъминловчи ҳамда умумижтимоий мувозанатни сақланишига хизмат қилувчи марказий қатламдир. Мазкур қатлам вакиллари ёш страталари ичида ўз фаолияти ва ҳатти-ҳаракатини ақл-идрок билан бошқариши билан ажралиб туради. Ушбу қатлам зиммасида нафақат шахсий ҳаётини ташкил қилиш ва бошқариш, балки, жамият, давлат, миллат ҳаётини ташкиллаштириш, тартибга солиш, назорат қилишда ҳал қилувчи қарорларни қабул қилиш каби юқори масъулият ётади.

Адабиётлар

1. Беласа М.С. Население планеты стареет. - Испания: ElPais, 2010. - С. 2.
2. Обухова Л.Ф. Глава VI. Л.С.Выготский и его школа. Дальнейшие шаги по пути, открытому Л.С.Выготским // Детская психология. Теории, факты, проблемы. - М.: Тривола, 1995. - С. 15.
3. Асмолова А.Г. Вперёд к Д.Б.Эльконину неклассическая психология будущего / Вопросы психологии. - 2004. - №1. - С. 4-9.
4. Эрик Г.Эриксон. Детство и общество. - М., 1996. - С. 6-22.
5. Арьес Ф. Возрасты жизни. - Екатеринбург: Издательство Уральского университета, 1999. - С. 45.
6. Возраст. Малая медицинская энциклопедия. - М.: Медицинская энциклопедия, 1996. - С. 154.
7. Разработана новая возрастная классификация. //https://selskaypravda.ru. Дата обращения: 22.07.2019. - С. 1.
8. Хонка Н. Когда начинается средний возраст? <https://inosmi-ru.cdn.ampproject.org>. Дата обращения: 22.07.2019. - С. 1-2.
9. Damien Gayle. People aged 40-59 are least happy and most anxious, report finds (люди среднего возраста менее счастливы и более тревожны). <https://www.theguardian.com/society/2016/feb/02/>. Дата обращения 22.07.2019. - С. 1.
10. Ўзбекистон аҳолиси 33 млн.дан ошди. <http://uzreport.news>.
11. Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни. - Тошкент, 2016 йил 14 сентябрь. ЎРҚ-406-сон. - 1. б.
12. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. Тошкент, қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 23.05.2019 й. 03/19/540/3167-сон. - 5 б.
13. Молодежь в России. - Москва: ИИЦ, "Статистика России", 2010. - 166 с.
14. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни. - Тошкент, қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 23.05.2019 й. 03/19/540/3167-сон. - 3 б.